

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



2001 йил 24 май
Сотувда эркин нархда
№ 101 (2663)

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI OLIY MAJLISI VA ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHQAMASINING GAZETASI

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 23 май куни Оқсаройда Германия Федератив Республикаси вице-канцлери, ташқи ишлар вазири Йозеф Фишерни қабул қилди.

Мазлумки, шу йил апрел ойида мамлакатимиз раҳбари расмий ташриф билан Германияда бўлган эди. Ғоят муваффақиятли кечган ушбу сафар чоғида ташқи ишлар вазири билан ҳам музокара ўтказилди. Й.Фишернинг юртимизга ташрифи манфатли ҳамкорлик руҳидаги ана шундай мулоқотларнинг узвий давоми бўлмоқда.

— Сиз билан Ўзбекистонда кўришиб турганимдан мамнунман, — деди Ислам Каримов Оқсаройдаги учрашувда. — Фурсатдан фойдаланиб, Германияда Ўзбекистон делегациясига кўрсатилган иззат-икром, самимият ва эҳтиром учун сизга, сиз орқали ГФР президенти ва канцлери яна бир бор миннатдорлик билдирмоқчиман.

Й.Фишер Ўзбекистон — Германия муносабатлари янги ривожланиш палла-



сига кирганини мамнуният билан таъкидлар экан, юртимизга ташрифидан кўзланган мақсад алоқалар кўламини янада кенгайти-

риш имкониятларини ўрганиш ва мавжуд масалани музокараларда батафсил муҳокама этишдан иборат эканлигини билдирди.

Сўхбат чоғида Ўзбекистон — Германия муносабатларига оид, шунингдек, томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан

фикр алмашилди.
(Ў.А.)
СУРАТДА: қабул пайти.
Дилшоҳ ЮСУПОВ олган сурат.

Ўзбекистон — АҚШ савдо палатаси ихтиёрийлик асосидаги нотижорий ташкилот бўлиб, унга 1993 йилда асос солинган эди. Палатага АҚШнинг Ингирмадан ортқ йирик корпорация ва банклари аъзо бўлган. Жумладан, улар орасида «Ньюмонт Майнинг», «Бонинг», «Каргилл», «Катерпилер», «Эксон» каби дунёга машҳур фирма ва компаниялар бор. Палатага Ўзбекистон томонидан Ингирмада яқин муассаса, уюшма, ташкилот ва санаот корхонаси кирган.

Ташкиллаш лозим, савдо палатаси икки мамлакат ўртасида савдо-иқтисодий алоқаларни янада кенгайтириш, узаро товар айирбошлаш ҳажмининг ўсишини таъминлашга қаратилган кўпмақсадли ташкилотларни амалга ошириб келмоқда. Айниқса, унинг Ўзбекистонга ҳорижий фирма ва компаниялар ҳамда чет эл сармоясини жалб қилиш, йи-

САВДО ПАЛАТАСИНING НАВБАТДАГИ АНЖУМАНИ

Пойтахтдаги «Интерконтинентал» меҳмонхонасида Ўзбекистон — АҚШ савдо палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Сақизкининг бор ўтказилган мазкур анжуманда мамлакатимиз ҳукумати аъзолари, тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари, шунингдек, маҳаллий ҳамда хорижий компаниялар вакиллари иштирок этди.

риқ лойиҳаларини молиялаш борасидаги хизматлари эътиборга молик.

Палатанинг Тошкент ва Вашингтонда бўлган дастлабки йиллик мажлислари кичик бир йилгидек ўтган эса, 1997 йилга келиб у йилнинг анжумани кўринишини олди. Унда иштирок этаётган фирма ва компаниялар сони ҳам кўпайди. Бу АҚШ ишбилармон доиралари вакилларининг Ўзбекистонда ташкилкорлик билан шуғулланишга қизиқиши тобора

ортаётганидан дарак беради. Анжуманда хорижийлик томонидан қайта-қайта таъкидланганидек, мамлакатимизда бунинг учун зарур барча шарт-шароит етарли.

Тошкент анжуманини палата президенти Д.Қурьянлар очар экан, Ўзбекистон сўнгги ўн йил ичида барча соҳаларда улкан ютуқларни қўлга киритганини таъкидлади ва бундан Ўзбекистон — АҚШ савдо палатасининг ҳам ўзига яраша улуғви борлигини мамнуният билдирди.

— Ўзбекистон билан АҚШ ўртасида ҳар томонлама алоқаларни янада ривожлантиришда палатанинг хизмати катта бўлаёттир, — деди Ўзбекистон Республикаси Бош Вазирини У.Султонов. — Нафракат АҚШ, балки бутун дунёда катта нуфузга эга бўлган фирма, компания ва молиявий ташкилотларни бирлаштирган палата қисқа вақт ичида Ўзбекистонда йирик лойиҳаларни амалга оширди. Имкониятлар тобора кенгайиб,

ҳозир янгидан-янги лойиҳалар устида иш олиб борилади. Бу томонлар ўртасида мустақам ишоначчи ва ҳурмат қарор топганидан дарак беради.

АҚШнинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва муҳтор элчиси Ж.Хёрст ҳам сўз олиб, савдо палатаси Америка компанияларининг бизнесини янада кенгайтиришда муҳим талбирларни амалга оширатганини ва бу оғил Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришга хизмат қилаётганини қайд этди.

Анжуманда икки мамлакат ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

Талбирда «Кичик ва ўрта бизнесни молиялаш», «Сармоянинг халқаро формацияси: қўлланма ва тузилиши ва хуқуқий асоси» мавзуларида ҳам давра сўхбатлари бўлиб ўтди.
(Ў.А.)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

2001-2005 йилларда компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш, «Интернет»нинг халқаро ахборот тизимларига кенг кириб боришини таъминлаш дастурини ишлаб чиқишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида

Замонавий компьютер ва ахборот технологияларини иқтисодиёт, фан ва таълимнинг барча соҳаларига кенг жорий этиш, халқаро ахборот тизимларига, шу жумладан, «Интернет»га кириб боришини кенгайтириш, юқори малакали дастурчи-мутахассислар тайёрлаш даражасини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. 2001-2005 йилларда компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш бўйича махсус ишчи гуруҳ ташкил этилсин.
2. Махсус ишчи гуруҳ республикада компьютер ва ахборот технологияларини ташкил этиш ва ривожлантириш, дастурий таъминлаш, компьютер асбоб-ускуналари ва ахборот тармоқлари соҳасида кадрлар тайёрлаш, «Интернет»нинг халқаро ахборот тармоқларига кириб бориш ҳолатини ва унинг амалий қўлланилиши даражасини чуқур ва батафсил ўрганиб чиқсин;

нинг халқаро ахборот тармоқларига, шу жумладан, «Интернет»га кенг кириб боришини таъминлаш; компьютер ва ахборот технологиялари соҳасида асбоб-ускуналар ва техник воситалар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш юзасидан тақлифларни ишлаб чиқиш; компьютер ва ахборот технологиялари соҳасида норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилсин.

мазкур тахлил асосида уч ой муддатда 2001-2005 йилларда компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш дастурини ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига Ҳуқуқатнинг тегишли қарори лойиҳасини киритсин.

3. Махсус ишчи гуруҳ Макронқисодиёт ва статистика вазирлиги, Фан ва техника давлат қўмитаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Почта ва телекоммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси билан биргаликда Ҳуқуқат қарори лойиҳасини тайёрлашда ахборот тизимлари ва тармоқларини ташкил этиш, ривожлантириш ва уларнинг узаро ҳамкорлигига, истиқболли дастурларни ишлаб чиқиш, тармоқ стандартлари ва нормативларини белгилашга доир ишларни мувофиқлаштирувчи Компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ва жорий этиш марказини ташкил қилиш юзасидан тақлиф киритсин.

Дастур лойиҳасини шакллантиришда: иқтисодиёт тармоқларида, умумтаълим мактаблари, коллежлар ва лицейлар, олий ўқув юрталарининг ўқув жараёнида замонавий компьютер ва ахборот технологияларини кенг жорий этиш, тегишли таълим стандартларини ишлаб чиқиш; республиканинг олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида замонавий компьютер ва ахборот технологиялари бўйича юқори малакали дастурчилар ва мутахассислар тайёрлашни ташкил этиш даражасини ошириш; дастурий таъминлаш, компьютер ва тармоқ асбоб-ускуналари, рақамли телекоммуникациялар соҳасида мутахассислар тайёрлашдан иқтисодлаштирилган касб-ҳунар коллежлари ташкил этиш;

4. Республика корхоналари ва ташкилотларидан, халқаро ташкилотлардан ҳомийларни, шунингдек, хорижий инвесторларни кенг жалб этган ҳолда Компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантиришнинг қўллаб-қувватлаш жамғармасини ташкил қилиш мақсадида мувофиқ дб ҳисоблансин.
5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат мақсадатқисми В.Голдшев зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И. КАРИМОВ
Тошкент шаҳри,
2001 йил 23 май.

«Ўзқурилишматериаллари» концернининг «Санкуртаъмирлаш» очик турдаги акционерлик жамияти йилгига 200 миллион сўмлик махсулот ишлаб чиқарувчи ва сотувчи корхонадир. Корхонанинг қисман қайта ихтисослаштирилиши махсулот сифатида ва хилма-хиллигига бўлган талабни оширишга мажбур этди, аммо ишлаб чиқаришининг ўсиш суръатлари асло пасайгани йўқ.

Ишлаб чиқаришни тўхтатмаган қолда

Истеъмолчиларнинг буюртмалари бўйича бу ердан қурилишга, цемент ва гипс заводларига катта миқдорда норуца материаллар, шлакоблок, оловга чидамли гипс, бетон, йўлка плиталари жўнатилмоқда. Шу лойиҳага мижозларнинг ҳеч қайсиси эътироз билдиргани йўқ.

Бирок корхонанинг имкониятларини чеклаб қўяётган омиллар қаторида темир йўл харажатларининг доимий ошиб бориши, асосий фонд ва ускуналарнинг эскириши, мавжуд техникани тўлиқ таъмирлаш ва замонавийлаштириш зарурати кўрсатиб ўтиш даркор. «Санкуртаъмирлаш» раҳбарияти асосан маҳаллий хомаш ва материалларга таянган ҳолда келажакда корхонани қайта ташкил этиш дастурини тайёрлаш кўйди.

Шунингдек, импорт ўринини босувчи махсулот ишлаб чиқариш йўллари ҳам қидирилмоқда. Бу эса бозор шароитида ишлаб чиқаришни барқарорлаштириш имконини бериши шубҳасиз.

Шуниси қувонарликки, бу ерда кадрлар масаласи ҳал этилган. Уртача ойлик маошининг нисбатан юқорилиги, ишлаб чиқариш ижтимоий инфратузилма-нинг мустақамлиги, жамоадаги соғлом муҳит бунинг асосий омилларидир. Шу боис меҳнат жамоясининг ҳар бир аъзоси эртанги кунга ишонч билан яшамоқда.
(Ў.А.)

Янги йўлда шеър баҳси

«Учкудук-Мискин-Нукус» темир йўли мамлакатимиз иқтисодий ҳаётида янги саҳифа очди. Айни кунда бу йўл орқали катта миқдорда халқ ҳўжалиги юқлари ташилиши билан бирга йўловчи поездлар харақати учун сўнгги тайёрғарлик ишлари олиб борилмоқда.

Кўни кеча янги йўл орқали Ўзбекистон Езувчилар уюшмаси йўланмаси билан «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг иккундунинг йўли сафарга чиқди. Гуруҳда Ўзбекистон халқ шоирлари Жуманаз Жабборов, Усмонов Алим, шоирлар Ислам Ҳамро, Баҳром Рузимухаммад ва

бошқалар бор. Қаламкашлар Учкудук ва Тўртқўл, Нукус ва Кўнградта шеър илхосманлари ҳўзурида буладилар, адабиётнинг бугунги вазифаларни тўғрисида фикр алмашадилар.

Янгибўй КўЧҚОРОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

КЕЧА, БУГУН, ЭРТАГА

Мутахассислар кенгашилар

Кўни кеча Мирзо Улўғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ҳамда россиялик олимлар, фан арбоблари ҳамкорлигида «Ўзбекистон ва Россия олий ўқув юрталарида журналистик таълим концепциялари» масаласига бағишланган илмий-услубий семинар бўлиб ўтди.

Унда ўзбекистонлик ҳамда Россия олимлари журналистик кадрлар тайёрлашда таълим жараёнини

самарали ташкиллаш йўли-йўриқлари ҳўсуида фикр алмашадилар.

«Кейс»лар галлазорда

Қизилтепа туманидаги «Уртачул олдун» фермер ҳўжаликлари уюшмаси галлазорларини комбайнларнинг шовқини тўтди. Уртачулликлар галла ўримида киришдилар. Айни пайтда туманда 30 та ўрим комбайни, жумладан, 10 та «Кейс» ўримида иштирок этаёттир.



Гуллараро гулчехралар. Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ сурат-лавҳаси.

Хирмонга барака, пиллакорлар

Йилнинг чилги ҳўсили — пилла топшириш давом этмоқда. Шу кўнларда республикаимизнинг ўнлаб туманларида пилла топшириш йиллик режаси уқдаланди: Жўмладан, Олтинқўл, Улўғнор, Самарқанд, Пахтакор, Дўстлик туманлари пиллакорлари ҳам галаба рапортига имзо чекдилар.

Намангандан Оролбўйига

Гуллар шаҳридан Қорақалпоғистон сари йўл олган 13 та «КамАЗ» ва «Мерседес» машиналарига ортилган мурувват ёрдами Оролбўйи аҳолисига дармон бўлади. Наманганнинг шаҳар ва туманларидан уюштирилган ушбу хайрия юқлари ун, макарон ва болалар пойабзалларидан иборат бўлиб, умумий миқдори 10 миллион сўмликдан ортади. Бундан ташқари, юқлар орасида водий боғлари саҳовати бўлган саринг мевалар шарбати, боднинг, гипос ва бошқа махсулотлар бор.

Дикқат, танлов!

Тошкент шаҳар ҳўкимлиги, Ўзбекистон Бадний академияси Тошкент Давлат консерваториясининг янги ўқув биноси интгерсини бадний беаши танлов танлов эълон қиладди.

- Танлов муддатлари:
1. Ишчи гуруҳдан лойиҳа мизмаларини олиш, объект билан танишиш, мажмуанинг бош меъмори билан сўхбат (25 майгача).
 2. Лойиҳаларни 1 бошқача тақдим этиш (11 июнғача).
 3. Тақдим этилган лойиҳалар муҳокамаси (15 июнғача).
 4. 11 бошқача танлов олинган лойиҳалар устида ишлаш (25 июнғача).
 5. 11 бошқача якунини ўтказиш ва галиб лойиҳани эълон қилиш (30 июнь).

- Танлов шартлари:
1. Танловда юксак маҳоратли, профессионал монументал санъат, рангтаъсирчилар, лойиҳачилар, ҳайкалтарошлар ва кулолчи усталар қатнашишлари мумкин.
 2. Танловда иштирок этиш учун ҳар бир муаллиф (ёки муаллифлар гуруҳи) берилган вазифага мувофиқ, ўз лойиҳасида Тошкент Давлат консерваториясининг янги ўқув биноси вестибюлининг (под, шип, деворий қисмлари учун) яхлит, ўзгарилашан композиция ечимини, шунингдек, сарфланган материаллар ҳажми, нархи ва сарф-харажатлар сметасини тақдим этишлари шарт.
 3. Тақдим этилган лойиҳада ҳашаматли мусика саройининг аҳамияти ва моҳияти, таъсирини, монументал санъат асарини намуналари билан уйғунлиги, Ўзбекистоннинг ўз тараққийи йўлига манада умуминсоний ва миллий қадриятларга салокат руҳи юксак даражада акс этиши зарур.
 4. Яратилган санъат асарлари монументал рангтаъсир, роспись, витраж, мозаика (флорентик мозаика), рельеф каби иккундунинг йўналишларини қамраб олиши мумкин.

Танловга қуйидагилар тақдим этилиши керак:
1) Уйғунлаштирилган лойиҳа (75x100 см, планшета)
2) Иш эскизи (75x100 см, планшета) изоҳнома билан
3) Ейилмаси (75x100 см, планшета)

Танлов галиблари учун совринлар:
Бош соврин — 1.000.000 сўм.
Иккунта рағбатлантирувчи соврин — 500.000 сўмдан.

Ишчи гуруҳ манзили:
Ўзбекистон Бадний академияси, Ш.Рашидов кўчаси, 40.
Тел.: 56-53-46, 56-50-47.

ЖАҲОН 24 СОАТ ИЧИДА

Қарор ўзгартрилмайди

Грузия ўз ҳўдуғида ҳеч қандай хорижий давлатнинг ҳарбий базаси жойлаштирилишига йўл қўймайди. Президент Эдуард Шеварнадзе мамлакат миллий радиоси орқали шундай деди: Унинг таъкидлашича, грузин халқининг ҳоҳиш-иродасини акс эттирувчи бу қарор ҳеч қачон ўзгартрилмайди.

Коидзуми Бушини кўрмоқчи



Кеча Япония Бош вазири Дзюньитиро Коидзуми мамлакат парламентидаги ўз чиқишида АҚШ президенти Жорж Буш билан Италиянинг Генуя шаҳрида санокли кўнлардан сўнг бошладилар. Катта саккилик саммити олдидан учрашиш нияти борлигини маълум қилди. Бош вазирининг депутатларга айтишича, ҳўзирда мазкур учрашўга тайёр-

Далиллар ишончсиз, деб топилди

Россия ва Хитой 1972 йилда имзоланган ракетадан мудофаа тизими бўйича шартномага эъл бўлган ҳар қандай тизимнинг яратилишига қаршилигини тасдиқлади. Улар ушбу режа тарафдорларининг ҳар қандай далили ва вақ-қарсонларини

Жинойатчилик камаймоқда

Германияда жиноятчилик тобора камаймоқда. Мамлакат ички ишлар вазири Отто Шиллиннинг ҳисоботида таъкидлашича, 2000 йилда Германияда жиноятчилик аввалгил йилгиданга нисбатан 0,6 фоиз қисқарган. Утган йили мамлакатда 6,26 миллион кўнун бузиш ҳолати рўйхатга олинган. Жиноятни фош қилиш даражаси эса 52,8 фоизни ташкил этган.

Сўнгги сониларда...

- АҚШнинг Вьетнамдаги элчиси Дуғлас Петерсон истефода чиққонлигини маълум қилди. Вақтида Вьетном урушида қатнашиб, катта асирга қам тушган сўнгсиз-соннинг бундай қарори Оқ уй расмийлари учун қўтилмаган воқеа бўлди.
- Кеча тунда Фаластин раҳбари Е.Арафат Франция пойтахти Парижда келди.
- НТВ Бош директори Борис Йордон телеканалининг йиллик харажатларини 30 фоизга қисқартиришга қарор қилди. Шу вақтгача НТВ харажатлари йилгига 94 миллион долларни тўшлик қилмаётган эди.

